

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“МАШИНСОЗЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-
УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: *М.А. Жўраев*

Тошкент 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА	7
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	8
МАЪРУЗА МАТНИ	28
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	47
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	52
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	54
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАВЗУЛАР	55
ГЛОССАРИЙ	56
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	59
АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ	70

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари.

“Машинасозликнинг долзарб муаммолари, замонавий техника ва технологиялари” модулининг **мақсади** – машинасозликнинг долзарб муаммолари, машинасозлик технологияси тараққиётининг замонавий тенденциялари, машинасозлик технологиясининг замонавий техникаси ва технологияси, замонавий техника ва технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболлари тўғрисидаги назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш билан бирга замонавий техника ва технологик жараёнларини ишлаб чиқиш усувларини онгли қўллаш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

“Машинасозликнинг долзарб муаммолари, замонавий техника ва технологиялари” модулининг **вазифаси** – замонавий технология ва техникани кенг қўллаш, янги техникаларининг ишлаш принциплари, асосий қўрилмалари, муҳим қисмлари, автоматик бошқариш системалари, сервис қўрилмалари, ҳақидаги маълумотларни, технологик жиҳозлардан фойдаланиш ва уларнинг аниқлиги ва маҳсулдорлигини ошириш масалаларини ўрганиш бўйича умумий ҳолат ва ёндашувларни ёритиб бериш ва технологик жараёнларини тузиш усувларини ўргатишга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Модулнинг яқунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

Тингловчи:

- машинасозлик замонавий техникаси ва технологияси ривожланишининг тенденциялари;
- машинасозлик корхоналари технологик жиҳозларнинг турлари, тузилиши, ишлаш принциплари, асосий қўрилмалари, муҳим қисмлари, автоматик бошқариш системалари;
- машинасозлиқда замонавий техникани конструкциялаш ва ҳисоблашнинг умумий принциплари, уларнинг аниқлиги ва маҳсулдорлигини ошириши;
- мамлакатимиз машинасозлик ишлаб чиқаришни стратегияси масалалари ва истиқболлари **ҳақида билиши керак**.

Тингловчи:

- маълум ишлаб чиқариш шароитлари учун технологик жиҳозларни техник ва иқтисодий асослаш;
- ишлаб чиқаришнинг оптимал кўрсаткичлари ва иш режимларини таъминлаш;
- станокларда деталларга ишлов бериш; замонавий технологик жараёнларини қуриш **қўниқмаларига эга бўлиши;**

Тингловчи:

- машинасозликда илғор замонавий техника ва технологиялардан фодаланишни амалиётга татбиқ этиш;
- технологик жиҳозларини техник иқтисодий ва конструктив таҳлил қилиш;
- асосий деталлари ва узелларини конструкциясини; маълум деталларга ишлов бериш учун станокларни танлаш ва уларнинг техник характеристикаларини аниқлаш;
- фан мавзуларни ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш ишларини олиб бориш **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Машинасозликнинг долзарб муаммолар, замонавий техникаси ва технологиялари” модули умумкасбий (машина деталлари; машиналарни лойиҳалаш асослари; ўзаро алмашувчанлик, стандартлаштириш ва сертификация; материалшунослик; конструкцион материаллар технологияси; электротехника, электроника, информацион технологиялар ва гидро-пневмоюритмалар ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш асослари ва х.к.) ва ихтисослик (машинасозлик технологияси асослари; кесиш назарияси ва асблолар) ва бошқа мутахассислик фанларига асосланади. Ўз навбатида “Машинасозликнинг долзарб муаммолар, замонавий техникаси ва технологиялари” модули умуммутахассислик ва мутахассислик бўйича тайёргарлик блогининг барча модуллари билан узвий боғланган бўлиб, мутахассислик фанларини ўзлаштиришда база вазифасини ўтайди.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хамаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил табдим	
			Аудитория ўқувюкламаси						
			Жумладан:						
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот			
1	Машинасозликнинг долзарб муаммолар	2	2	2					
2	Машинасозликнинг замонавий техникаси	4	4	2	2				
Жами:		6	6	4	2				

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ**1-мавзу: Машинасозликнинг долзарб муаммолар.****Режа:**

- Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалалари
- Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари
- Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг муаммоли масалаллари ва уларни ечиш усувлари

Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлиги. Маҳсулот сифатини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари ва уларни ечиш усувлари.

2-мавзу: Машинасозликнинг замонавий техникаси.**Режа:**

- Машинасозликнинг замонавий техникалари
- Машинасозликнинг замонавий технологиялари

Машинасозлик ишлаб чиқаришининг замонавий техникалари асосида бошқариш. Мехатроника асосида яратилаётган технологик жиҳозлар, уларнинг қисм ва узеллари, асбобларни автоматик алмаштириш системалари ва заготовкаларни автоматик алмаштириш системалари, кесувчи асбоб ва заготовкаларни тўплаш сақлаш ва транспортлаш қурилмаларида, деталларга ишлов беришни сифатини автоматик назорат қилиш қурилмалари.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ:**Режа:**

1. Машинасозликнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш.
2. Маҳсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишда машинасозликнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш.

Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари; Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги техника ва технологиялари; Машинасозлик автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни тайёрлашни автоматлаштириш масалаларини ўрганиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси, -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Проектирование технологии автоматизированного машиностроения. Под ред. Соломенцова Ю.М. М.: Высшая школа, 1999.
5. Гжиров Р.И., Серебренецкий П.П., Программирование обработки на станках с ЧПУ, -М.: Машиностроение, 1990. 591 с.
6. Митрофанов В.Г. и др. Основы автоматизации машиностроительного производства. -М.: Высшая школа, 2001.
7. Соломенцев Ю.М. и др. Автоматизация технологических процессов и приборов. -М.: Высшая школа, 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Базров Б.М. Основы технологии машиностроения. -М.: Машиностроение, 2005. 736с.
2. Суслов А.Г. Дальский А.М. Научные основы технологии машиностроения. -М.: Машиностроение, 2002. 684 с.
3. Суслов А.Г. Технология машиностроения. -М.: Машиностроение, 2007. 424 с.
4. Технология машиностроения: В 2-х т. Производство машин: Уч. для ВУЗов / В.М. Бурцов и др. Под ред. Г.Н. Мельникова. -М.: Изд-во МГТУ, 1998.
5. Ямников А.М. и др. Основы технологии машиностроения. Тула: из-во ТулГУ, 2006. 269 с.

ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

Ўқитувчининг Ф.И.Ш	М.А. Жураев		
Модул номи:	“Машинасозликнинг долзарб муаммолар замонавий техникаси ва технологиялари”		
Ажратилган вақт: 8 соат			
Модул бирликлари	Машғулот тури	Ажратил ган соат	Ўтказилиш муддати
Машинасозликнинг долзарб муаммолар.	Назарий	2 соат	Ҳар ойнинг 2-хафтаси
Машинасозликнинг замонавий техникаси.	Назарий Амалий	2 соат 2 соат	Ҳар ойнинг 2-3 ҳафтаси
Жами:		6 соат	

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1- Мавзу.

Машинасозликнинг долзарб муаммолар

Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси

Вақти -	2 соат	Тингловчилар сони	15- 25 нафар
Ўқув машғулотининг шакли		Кириш маъруза	
Маъруза машғулотининг режаси		1. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари 2. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари 3. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг муаммоли масалалларива уларни ечиш усуллари	

Ўқув машғулотининг мақсади: Республикада машинасозлик технологияларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, машинасозликни ривожлантиришнинг долзарблиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида машинасозликнинг аҳамияти ҳақидаги билимларни такомиллаштириш.

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> Республикамида машинасозлик соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш. Республикада машинасозлик соҳасига жорий этилган замонавий техника ва технологиялар ҳақида тушунча бериш. Машинасозлик ишлаб чиқариш жараёнида замонавий техника ва технологияларидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни ечиш усулларини таҳлил қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> Республикамида сўнги йилларда машинасозликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида янги маълумотларга эга бўладилар. Республикада машинасозлик соҳасига жорий этилган замонавий техника ва технологиялар билан танишадилар. Машинасозлик ишлаб чиқариш жараёнида замонавий техника ва технологияларидан фойдаланишда мавжуд муаммоларни англаб етади ва уларни ечиш усулларини таҳлил қиласилар.
Ўқитиши усуллари	Кириш маъруза , “Муаммоли вазият” усули
Ўқитиши воситалари	Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар.
Ўқитиши шакли	Жамоа, гурӯҳ бўлиб ишлаш.
Ўқитиши шарт-шароити	Жихозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Кириш маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қиласди. Ўқув мақсади ва режа билан таништиради. (1-илова) .</p> <p>2.2. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати билан таништиради. (2-илова)</p> <p>2.3. Гурухга мавзуга оид жонлантирувчи саволлар билан мурожаат қиласди. (3-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3- босқич. Асосий (60 дақиқа)	<p>3.1. Республикада машинасозликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, Республикамизда жорий этилган замонавий машинасозлик техника ва технологиялари, ишлаб чиқариш тизимлари хамда ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган замонавий техника ва технологиялар, одамсиз технологиялардан фойдаланиш масалаларига оид фикрларни визуал тарзда кўрсатиб баён этади. (4-илова)</p> <p>3.2. Машғулотда “Муаммоли вазият” усулидан фойдаланишни гурухга эълон қиласди ва усулнинг ўтказилиш тартиби билан тингловчиларни таништиради. (5 илова)</p> <p>3.3. гурухдан кичик гурухлар шакллантиради, мавзуга оид муаммони баён қиласди, топшириқни бажариш учун вақт белгилайди.</p> <p>3.4. Гурухлар тақдимотини тинглайди. Илгари сурилган фикрлардан бир-бирига яқин ва муаммо ечимиға яқин бўлган фикрларни жамлайди ва энг мақбул ечими баён этади.</p> <p>3.5. Гурухлар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар ва ёзиб борадилар.</p> <p>3.2. “Муаммоли вазият” усулиниң ўтказилиш тартиби билан танишадилар.</p> <p>3.3. Кичик гурухларга бўлинадилар. Ўртага ташланган муаммони муҳокама қиласди, таҳлил қиласди, ҳал этиш йўллари бўйича фикрларни жамлайдилар.</p> <p>3.4. Тақдимот қиласди, ва ўз вариантларини тақдимот қиласди. Энг мақбул ечими излаб топадилар.</p> <p>3.5. Ўз-ўзларини баҳолайдилар. Хато ва камчиликларини англаш етадилар.</p>
4- босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>4.1. Берилган маълумотларни умумлаштиради. Саволларга жавоб беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

МАВЗУ: Машинасозликнинг долзарб муаммолар.

МАҚСАД: Республикада машинасозлик технологияларини ривоҷлантириши борасида олиб борилаётган ишлар, машинасозликни ривоҷлантиришининг долзарблиги ҳамда ишлаб чиқаришни жараёнида машинасозликнинг аҳамияти ҳақидаги билимларни тақомиллаштириши.

Режа: Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишини таъминлашдаги муаммоли масалаллари

2. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишини таъминлашдаги муаммоли масалаллари
3. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг муаммоли масалаллари ва уларни ечиш усуллари

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


6. Базров Б.М. Основы технологии машиностроения. М.: Машиностроение, 2005, 736с.
7. Суслов А.Г. Дальский А.М. Научные основы технологии машиностроения. М.: Машиностроение, 2002, 684 с.
8. Суслов А.Г. Технология машиностроения. М.: Машиностроение, 2007, 424 с.
9. Технология машиностроения: В 2-х т. Производство машин: Уч. для ВУЗов / В.М. Бурцов и др. Под ред. Г.Н. Мельникова. –М.: Изд-во МГТУ, 1998.
10. Ямников А.М. и др. Основы технологии машиностроения. Тула: из-во ТулГУ, 2006, 269 с.

МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

- 1. Ўзбекистон Республикасида машинасозлик ишлаб чиқариши соҳасидаги янги замонавий техника ва технологияларни қўлланиши ва ривожлантириш ҳақидаги фикрларингиз?**
- 2. Машинасозлик соҳасини ривожлантиришда қандай янги техник ва технологиялар кириб келмоқда?**


ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Машинасозликда маҳсулот сифатини таъминлаш усуслари



Сифатга эришгүнча ишлов бериш ва ўлчаш

«Сифатга эришгүнча ишлов бериш ва ўлчаш» усулнинг моҳияти шундан иборатки, дастгоҳда ўрнатилған танавор ишланувчи юзасига кескіч асбобни теккизиб, ўнгга суриб танавордан чиқарилади, дастгоҳ лимби бўйича ҳисоблаб маълум кесиши чуқурлигига ўрнатилади, кескічини танаворга яқин келтирилади ва бошланиш участкасидан қисқа масофада синов юриши қилиб ишлов берилади ва кескічини орқага суриб қўйилади, сўнгра эса дастгоҳ тўхтатилади. Ишланган сирт ўлчагич асбоб билан ўлчаб кўрилади, чизмадаги ўлчамдан четга чиқиши аниқланиб, кескіч асбобнинг ҳолатига тузатиш киритилади. Кейин эса яна, танаворнинг шу участкасига ишлов берилиб синов қириндиси олинади ва яна ўлчанади. Бу аниқ ўлчамга эришгүнча давом эттирилади. Ундан кейин танаворга бутун узунлиги бўйича ишлов берилади.



**"Аниқликка эришгүнча ишлов бериш ва
ўлчаш" усулида кескічини танаворга
нисбатан тўгри ҳолати ўрнатилади ва талаб
этилган ўлчам аниқлиги таъминланади.**

Аниқликка эришгүнча ишлов бериш ва ўлчаш

АФЗАЛЛИКЛАРИ

- ноаниқ дастгоҳларда аниқ ишлов беришга эришилади; танаворга ноаниқ дасгоҳда ишлов берилганда, юқори малакали ишчи бу усул ёрдамида танавор хатолигини аниқлаши ва ёъқотиб тўгърилаши мумкинлиги;
- майда танаворлар партиясига ишлов берилганда, ушланувчи ўлчамларнинг аниқлигига кескич асбоб ейилишини таъсирини йўқотиш, бу усул билан асбоб ҳолатини аниқлаб, асбоб ейилишига bogълиқ бўлган талаб асосида керакли тузатишлар киритилганлигига;
- ноаниқ танаворларда қўшимларни тўгъри тақсимлашга эришилиши ва ишга яроқсизлик пойдо бўлишининг олди олиниши;
- кичик ўлчамга эга бўлган танавордан режалаш (разметкалаш) натижасида ишга яроқли бўлган детал олиш мумкинлиги;
- ишчини, мураккаб ва қимматбаҳо мослама ишлатиш (кондуктор-мосламаларга ўхшаш), айланувчи ва бўлувчи мосламалар ва жиҳозлардан озод қилиниши;
- тешик марказлари ва ишланувчи юзаларнинг ўзаро жойлашуви режалаш асосида аниқланиши.

КАМЧИЛИКЛАРИ

- ишлов берішда эришилган аниқлик, кесиб тушириувчи қириндininг минимал қалинлигига bogъliқligi;
- етқазиб чархланған кескич билан токарлик ишлови берішда қиринди қалинлиги 0,005 мм дан кам эмас, оддий чархланған кескич билан ишлов берилганды бу микдор 0,02 мм ни ташкил этиши (кескич бир–оз ўтmasлашgандан кейин эса бу микдор ҳатто 0,05 мм гача этади) натижасида ишчи ўлчамга қиринди қалинлигидан камроқ микдорда ўзгартиш кирита ололмаслиги ва бу қалинликдан кичикроқ бўлган ўлчам хатолиги олиш кафолатини бераолмаслиги;
- ишчининг айби билан ишга яроқсиз детал пайдо бўлиши, ишлов берішда эришилувчи аниқлик маълум даражада ишчининг диққат–еътиборига bogъliқligi;
- кўп вакт сарфланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг паст бўлиши;
- юқори малакали ишчилар ишлаб, юқори иш ҳаққи тўланиши натижасида деталларнинг таннархи юқори бўлишлиги.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” УСУЛИ

Бу таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган усулдир. Бунда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Муаммоли вазият усулининг босқичлари қўйдагилар:

- Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазият танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди, муаммони баён қиласди.
- Топшириқнинг мақсад, вазифа ва шартлари билан таништиради.
- Кичик гурухларга ажратади.
- Гурухлар муаммоли вазиятларни ўрганадилар, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар.
- Ҳар бир гурух тақдимот қиласди, кейин бир хил фикрлар жамланади.
- Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мухокама ва таҳлил қиласдилар, ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
- Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
- Тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади, ечим йўлларининг энг мақбул вазиятларини танлаб олинади.

МАВЗУГА ОИД ТАНЛАНГАН МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

МУАММО: Машина
деталларига ишлов бериш
аниқлигини тъминлаш
муаммо сифатида

САБАБ:

ОҚИБАТ:

ЕЧИМ: Станок- мослама-асбоб-
детал технологик тизимининг
эластик, иссиқлик
деформациялари, ейилиши,
динамик омиллардан талаб
даражасида фойдаланиш

2- Мавзу.**Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари****2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси**

Вақти -	2 соат	Тингловчилар сони 15- 25 нафар
Ўқув машғулотининг шакли		Визуал маъруза
Ўқув машғулотининг режаси		1.Машинасозликнинг замонавий техникалари 2.Машинасозликнинг замонавий технологиялари

Ўқув машғулотининг мақсади: тингловчиларга машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари ва улардан фойдаланишининг ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида маълумотлар бериш.

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Машинасозлик соҳасида фойдаланилаётган замонавий техника ва технологиялар ҳақида маълумот бериш. 2. Республикада машинасозлик соҳасига жорий этилган техника ва технологияларининг турлари ва уларнинг фаолияти ҳақида тушунча бериш. 3. Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологияларига доир манбалар, турлари ва улардан фойдаланиш ҳақида тушунчалар бериш.	1. Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар. 2. Республикада машинасозлик соҳасига жорий этилган техника ва технологияларининг турлари ва уларнинг фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар. 3. Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологияларига доир янги манбалар билан танишади ва улардан фойдаланиш ҳақида тушунчаларни ўзлаштирадилар.
Ўқитиши воситалари	ЎУМ, мавзу бўйича визуал материаллар, компьютер, проектор, слайдлари.
Ўқитиши усуллари	Визуал маъруза”, “Тушунчалар таҳлили” методи
Ўқитиши шакллари	Жамоа, гурухда ишлаш
Ўқитиши шароити	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаши	Оғзаки сўров

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
1-боскич. Тайёргарлик боскичи	Ўқитувчининг 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди. 1.2. Маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди. 1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.	Тингловчиларнинг
2-Боскич Кириш (10 дақика)	2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. (1-илова) 2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради. (2-илова) 2.3. Машғулотда “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилишини билдиради.(3-илова)	2.1. Тинглайдилар. 2.2. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар 2.3. Машғулотда қўлланиладиган интерфаол методга тайёрланадилар.
3 -боскич. Асосий бўлим (60 дақика)	3.1. Мавзу режаси бўйича визуал тарзда маърузани баён этади. (4-илова) 3.2. “Ишлаб чиқариш жараёнида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш” масаласини ёритишда тингловчилар билан сұхбат ўтказади. (5-илова) 3.3. Сұхбат жараёнида келтирилган фикрларни умумлаштиради, хулосалайди. 3.4. Мавзуни қай даражада ўзлаштирилганлигини текшириш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланади. 3.5. Тингловчилар томонидан ёритилган тушунчаларнинг мазмунлари экранда кўрсатилган тўғри жавоблар билан солиштирилиши сўралади. Йўл кўйилган хато ва камчиликларга тузатишлар киритади. 3.6. Маърузада берилган саволлар юзасидан умумлаштирувчи хулоса беради.	3.1. Тинглайдилар ва дафтарга ёзиб оладилар 3..2. Сұхбатда иштирок этадилар. Ўз фикр ва мулоҳазаларини илгари сурадилар. 3.3. Тинглайдилар. 3.4. Берилган топшириқни бажарадилар. 3.5. Экранда кўрсатилган тўғри жавоблар билан ўзлари бажарган вазифани солиштирадилар. Хато ва камчиликларни бартараф этадилар. Ўз фаолиятларини баҳолайдилар. 3.6. Мавзуга оид саволлар билан мурожаат қиласидилар.
4-боскич. Якунловчи (10 дақика)	4.1. Машғулотни якунлайди. 4.2. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	4.1. Тинглайдилар. 4.2. Ёзиб оладилар.

МАВЗУ: Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари

МАҚСАД: Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари ва улардан фойдаланишинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида маълумотлар бериш.

Режа:

1. Машинасозликнинг замонавий техникалари
2. Машинасозликнинг замонавий технологиялари

2-илова

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

11. Базров Б.М. *Основы технологии машиностроения*. М.: Машиностроение, 2005, 736с.
12. Суслов А.Г. Дальский А.М. *Научные основы технологии машиностроения*. М.: Машиностроение, 2002, 684 с.
13. Суслов А.Г. *Технология машиностроения*. М.: Машиностроение, 2007, 424 с.
14. Технология машиностроения: В 2-х т. Производство машин: Уч. для ВУЗов / В.М. Бурцов и др. Под ред. Г.Н. Мельникова. –М.: Изд-во МГТУ, 1998.
15. Ямников А.М. и др. *Основы технологии машиностроения*. Тула: из-во ТулГУ, 2006, 269 с.

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ” МЕТОДИ

Ушбу интерфаол методни ўқув жараёнига татбиқ этишда гурух тингловчиларни якка тартибда ёки жуфтликларга бирлашишлари талаб этилади. Ҳар бир жуфтлик учун мавзуга оид тушунчалар келтирилгандан жадвал шаклидаги тарқатмалар берилади ва белгиланған вақт ичидә тушунчалар мазмунини ёритишлари сүралади. Вазифа бажарылғач, тушунчалар мазмунині түғри таҳлил қилинған жадвал күрсатылади ва жуфтликлар бажарған вазифа натижалари билан солиширилади. Баҳолаш меъёри асосида ўз-ўзини баҳолаш

ТУШУНЧАЛАР	ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ	ҚҰШИМЧА МАЪЛУМОТ
Машинасозлик саноати		
Мехотроника		
Махсулдорлик		
Махсулот сифати		
Автоматлаштирилған ишлаб чиқариш		
Мослашилдігін ишлаб чиқариш.		


НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ

Айнан түғри жавоб учун	Түғри жавобға яқын	Қисман түғри жавоб	Нотүғри жавоб
5 балл	4-3 балл	3-2 балл	0

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-слайд

	<p style="color: red; font-weight: bold;">Технологик унификациялаш</p> <p>жараёни - ишлаб чиқаришни технологик ва ташкилий тайёрлаш муддатларини қисқартириш, уларни янада юқори техник даражада бажариш, ҳисоблаш техникасини қўллаш.</p>	
--	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--



**Ишлаб чиқариши
автоматлаштириш
жиҳозлари**

Ярим автоматлар

Автоматлар

РДБ станоклари

Кўп операцияли станоклар

Мосланувчан и/ч модуллари


Типавий технология - бир типли деталларни тайёрлаш учун технологик жараёнларни систематизациялаш.

Гурӯхли технология - деталларни нафақат конструктив шакли бўйича умумийлиги, балки технологик операцияларнинг умумийлиги бўйича ҳам бирлаштириш (гурӯхлаш) .

Комплекс автоматлаштириш – бу юқори жадалликка эга технологик жараёнларни, юқори маҳсулдорликка эга асосий ва ёрдамчи операциялар жиҳозлари ва автоматик бошқариш систмаларининг ягона комплексини яратиш ва жорий қилиш.

Интеграллаштирилган автоматлаштириш - маҳсулотни лойиҳалаш ва тайёрлашнинг барча босқичларини ягона системага бирлаштиришни назарда тутадиган автоматлаштириш.

Мосланувчан ишлаб чиқариш системаси - гурух деталлари характеристикаларини ўрнатилган қийматларида ихтиёрий номенклатурадаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга автоматлаштирилган қайта созланиш хусусиятига эга алоҳида технологик режимда ишлашини тъминлайдиган системалар.

5-илова

2.2.Амалий машғулотни ўтказиш технологияси

<i>Машғулот вақти – 2 соат</i>	<i>Тингловчилар сони – 15-20 та</i>
<i>Машғулот шакли –</i>	Амалий машғулот
<i>Машғулотнинг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Машинасозликнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш. 2. Махсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишда машинасозликнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш.
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: тингловчиларнинг машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари ҳақида билимларини мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятларида улардан тўғри фойдалана олиш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1. Машинасозликнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш усуллари билан таништириш. 2. Махсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишда машинасозликнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш технологиясини тўғри қўллаш кўникмасига эга бўлади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Машинасозликнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш усуллари билан танишади ва уларни амалиётга татбиқ эта олади. 2. Махсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишда машинасозликнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш технологиясини тўғри қўллаш кўникмасига эга бўлади.
<i>Ўқитиши воситалари</i>	ЎУМ, компьютер, проектор, слайдлари.
<i>Ўқитиши усуллари</i>	Амалий иш, “Кичик гурухларда ишлаш” методи
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Жамоа, гурухда ишлаш
<i>Ўқитиши шароити</i>	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки сўров

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Үқитувчининг	Тингловчиларнинг
1-bosqich. Tayेргарлик bosqichi	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёrlайди.</p> <p>1.2. Амалий машғулот учун амалий топшириқлар тайёrlайди..</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёrlайди.</p>	
2-bosqich Кириш (10 daқиқа)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. (1-илова)</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради. (2 илова)</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p> <p>Машғулотда кўлланиладиган интерфаол методга тайёrlанадилар</p>
3 -bosqich. Асосий бўлим (60 дақиқа)	<p>3.1. Белгиланган режа асосида кўргазмали тарзда амалий кўрсатмалар орқали мавзуни мустаҳкамлайди.</p> <p>3.2. Гуруҳдан кичик гуруҳлар шакллантиради ва ҳар бир гуруҳ бажариши учун амалий топшириқлар беради.</p> <p>3.3. Топшириқларни бажарилишини назорат қиласди, лозим топилган вазиятларда маслаҳатлар бериб боради.</p> <p>3.4. Топшириқни бажарилиши бўйича гуруҳлар тақдимотини тинглайди. Ҳар бир гуруҳнинг тақдимотини муҳокама қилишда барча тингловчиларнинг фикр-мулоҳаза беришлари сўралади.</p> <p>3.5. Берилган фикрларни умумлаштиради, аниқликлар киритади ва хуносалайди.</p>	<p>3.1. Тамоша қиласди, мавжуд билимлар билан таққослайдилар,</p> <p>мустаҳкамлайдилар.</p> <p>3.2. Кичик гуруҳларга бўлинадилар. Амалий топшириқларни бажаришга киришадилар.</p> <p>3.3. Лозим топилган вазиятларда саволлар билан мурожжат қиласди.</p> <p>3.4. Гуруҳ тақдимотини амалга оширадилар. Ўзга гуруҳлар тақдимотини тинглайдилар, фикр-мулоҳазалар билдирадилар.</p> <p>3.5. Умумий фикрни тинглайдилар, хуноса билан танишадилар.</p>
3-bosqich. Якунлови (10 daқиқа)	<p>3.1.Машғулот бўйича якунловчи хуносалар қиласди.</p> <p>3.2. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>3.3.Кейинги мавзу бўйича тайёrlаниб келиш учун саволлар беради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Топшириқни оладилар.</p>

1-илова

МАВЗУ: Машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари

МАҚСАД: Тингловчиларнинг машинасозликнинг замонавий техникалари ва технологиялари ҳақида билимларини мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятларида улардан тўғри фойдалана олиши кўникма ва малакаларини таомиллаштириши.

Режса:

- 1. Машинасозликнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш.**
- 2. Маҳсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишда машинасозликнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш.**

2-илова

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1. Базров Б.М. Основы технологии машиностроения. М.: Машиностроение, 2005, 736с.**
- 2. Суслов А.Г. Дальский А.М. Научные основы технологии машиностроения. М.: Машиностроение, 2002, 684 с.**
- 3. Суслов А.Г. Технология машиностроения. М.: Машиностроение, 2007, 424 с.**
- 4. Технология машиностроения: В 2-х т. Производство машин: Уч. для ВУЗов / В.М. Бурцов и др. Под ред. Г.Н. Мельникова. –М.: Изд-во МГТУ, 1998.**
- 5. Ямников А.М. и др. Основы технологии машиностроения. Тула: из-во ТулГУ, 2006, 269 с.**

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ

НИМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гурух ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гурухлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

КИЧИК ГУРУХЛАР УЧУН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР

1-гурух: Замонавий техникаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

2-гурух: Машинасозликда янги технологияларнинг самарадорлигини аниқланг.

3-гурух: Замонавий техника ва технологияларнинг маҳсулот сифатига таъсирини аниқланг.

МАЪРУЗА МАТНИ

МАВЗУ 1: МАШИНАСОЗЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Режа:

- 1. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлиги оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари**
- 2. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари**
- 3. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг муаммоли масалалларини ечиш усуллари**

Таянч сўз ва иборалар: машинасозлик, маҳсулдорлик, сифат, аниқлик, инновацион технология, ишилов бериши, ўлчаши, сифатни аниқлаши, технологик тизим, аниқликка таъсир этувчи омиллар.

1. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари.

Замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, яъни ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш мазмуни ва сифат масалалари устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида ишлаб чиқаришни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари қаралмоқда, ишлаб чиқаришда янги ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ишлаб чиқаришни кенг ривожланиши кейинги йигирма йилликда жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Жадал ривожланаётган ҳозирги дунёда ишлаб чиқариш иқтисодий тараққиётни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил ҳисобланади десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон хукумати мазкур йўналишга иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг стратегик устувор йўналиши сифатида қарамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва қўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби

тўғрисида” ги 289-сонли Қарори ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 ноябрдаги 437-сонли буйруғидан келиб чиқадиган вазифалар.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартағи “Замонавий ишлаб чиқариш технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли Қарори Республикада замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, компьютерлаштиришни, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустрясини барпо этиш ва экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган.

Жамиятни ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ишлаб чиқариш тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;

Ишлаб чиқариш соҳасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашни ошириш ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;

Ишлаб чиқариш ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

Мамлакатимизда ягона ишлаб чиқаришлар маконини барпо этиш. Ишлаб чиқариш ресурслар таркибига турлича бўлган ишлаб чиқариш техникалари ва технологиялари: ҳукуқий ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга оид базаларини шакллантириш.

1. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишни таъминлашдаги муаммоли масалаллари

Ишлаб чиқаришнинг жамиятда ва кундалик ҳаётимизда тутган ўрни. Жамият машинасозлигида ишлаб чиқариш: меҳнат, илмий тадқиқот, лойиха, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ахолига хизмат кўрсатишда маҳсулот сифатини оширишни автоматлаштириш, ташкилий-иктисодий бошқаришни автоматлаштириш, замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқиш тизимини жадаллаштириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Жамиятда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таъминлаш энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Жамиятда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этишнинг аҳамияти жуда юқоридир.

Машинасозликда маҳсулот сифатини таъминлашнинг асосан иккита усули мавжуд. 1. «Сифатга эришгунча ишлов бериш ва ўлчаш» ёки «Синов юриш ва ўлчаш» ў) усули. 2. «Сифатга автоматик эришиш» усули.

«Сифатга эришгунча ишлов бериш ва ўлчаш» усулнинг моҳияти шундан иборатки, дастгоҳда ўрнатилған танавор ишланувчи юзасига кескич асбобни теккизиб, ўнгга суріб танавордан чиқарилади, дастгоҳ лимби бўйича ҳисоблаб маълум кесиши чуқурлигига ўрнатилади, кескични танаворга яқин келтирилади ва бошланиш участкасидан қисқа масофада синов юриш қилиб ишлов берилади ва кескични орқага суріб қўйилади, сўнгра эса дастгоҳ тўхтатилади. Ишланган сирт ўлчагич асбоб билан ўлчаб кўрилади, чизмадаги ўлчамдан четга чиқиши аниқланиб, кескич асбобнинг ҳолатига тузатиш киритилади. Кейин эса яна, танаворнинг шу участкасида ишлов берилиб синов қириндиси олинади ва яна ўлчанади. Бу аниқ ўлчамга эришгунча давом эттирилади. Ундан кейин танаворга бутун узунлиги бўйича ишлов берилади. "Аниқликка эришгунча ишлов бериш ва ўлчаш" усулида кескични танаворга нисбатан тўгри ҳолати ўрнатилади ва талаб этилган ўлчам аниқлиги таъминланади. Навбатдаги танаворга ишлов беришда бу услубни қўллаш яна такрорланади.

«Аниқликка эришгунча ишлов бериш ва ўлчаш» усули қуйидаги афзалликларга эга:

- ноаниқ дастгоҳларда аниқ ишлов беришга эришилади; танаворга ноаниқ дасгоҳда ишлов берилганда, юқори малакали ишчи бу усул ёрдамида танавор хатолигини аниқлаши ва ёъқотиб тўгърилаши мумкинлиги;
- майда танаворлар партиясига ишлов берилганда, ушланувчи ўлчамларнинг аниқлигига кескич асбоб ейилишини таъсирини ёъқотиш, бу усул билан асбоб ҳолатини аниқлаб, асбоб ейилишига bogъliq bўlgan талаб асосида керакли тузатишлар киритилганлигига;
- ноаниқ танаворларда қўшимларни тўгъри тақсимлашга эришилиши ва ишга яроқсизлик пойдо бўлишининг олди олиниши;
- кичик ўлчамга эга бўлган танавордан режалаш (разметкалаш) натижасида ишга яроқли бўлган детал олиш мумкинлиги;
- ишчини, мураккаб ва қимматбаҳо мослама ишлатиш (кондуктор-мосламаларга ўхшаш), айланувчи ва бўлувчи мосламалар ва жиҳозлардан озод қилиниши;
- тешик марказлари ва ишланувчи юзаларнинг ўзаро жойлашуви режалаш асосида аниқланиши.

Шунинг билан бир қаторда бу усул қуйидаги жиддий камчиликларга эга:

- ишлов беришда эришилган аниқлик, кесиб тушириувчи қириндининг минимал қалинлигига bogъliqligi;
- етқазиб чархланган кескич билан токарлик ишлови беришда қиринди қалинлиги 0,005 мм дан кам эмас, оддий чархланган кескич билан ишлов берилганда бу миқдор 0,02 мм ни ташкил этиши (кескич бир-оз ўтмаслашгандан кейин эса бу миқдор ҳатто 0,05 мм гача этади) натижасида ишчи ўлчамга

қиринди қалинлигидан камроқ миқдорда ўзгартиш кирита ололмаслиги ва бу қалинликдан кичикроқ бўлган ўлчам хатолиги олиш кафолатини бераолмаслиги;

– ишчининг айби билан ишга яроқсиз детал пайдо бўлиши, ишлов беришда эришилувчи аниқлик маълум даражада ишчининг диққат–еътиборига bogълиқлиги;

– кўп вақт сарфланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг паст бўлиши;

– юқори малакали ишчилар ишлаб, юқори иш ҳаққи тўланиши натижасида деталларнинг таннархи юқори бўлишлиги.

Юқорида кўрсатилган камчиликларга кўра бу усул, кўпроқ буюмларни якка ва майда серияли ишлаб чиқаришларда кенг қўлланилади, шунингдек, тажрибали ишлаб чиқаришда ҳамда таъмирлаш ва асбобсозлик сехларида кенг қўлланилади.

Асосан бу усул оғъир машинасозлиқда кўпроқ қўлланилади.

Аниқликка автоматик эришиш усули созланган дастгоҳларда амалга оширилади ва биринчи усулга хос бўлган камчиликлардан анча холисдир.


«Ўлчамларни автоматик олиш усули» билан танаворларга ишлов беришда дастгоҳлар авваламбор шундай созланиши керакки, танавордан талаб этилган аниқликка автоматик равишда эришилсин ва ҳ.к. ҳамда унинг аниқлиги ишчининг малакасига ва диққат–еътиборига bogълиқ бўлмасин.

Танавор (2) ни **а** ва **б** ўлчамларини олиш учун уни фрезалашда (1,а –расм) фрезалаш дастгоҳи столининг баландлиги бўйича дастлаб шундай ўрнатиладики, қисқичнинг қимирламас лаби (1) таянч юзаси, фреза айланиш ўқи орасидаги $K = D_{\phi p}^{1/2 + \alpha}$ масофада турсин. Шунингдек фреза (3) ён юзаси (столнинг кўндаланг ёъналишида) қимирламас лабининг вертикал юзасидан **б** масофага узоқлаштирилади.

Бу, дастлабки созлашда биринчи танавор учун "Аниқликка эришгунча ишлов бериш ва ўлчаш" усулидан фойдаланилади. Шундай созлашдан кейин, партиядаги барча танаворларга оралиқ назорат ўлчовлари қўлланилмасдан кетма–кет ишлов берилади (бу эрда танлаб назорат қилиш истиснодир) ва дастгоҳ столини кўндаланг ва вертикал ёъналишларида қўшимча ҳаракатларсиз бажарилади. **к** ва **б** ўлчамлар, ишлов бериш жараёнида ўзгармасдан қолса, ишланувчи танаворлар **а** ва **б** ўлчамлари шу берилган созланган дастгоҳларда ишлов берилганда бир хилда сақланади.

Худди шунингдек, танавор (2) (1,б –расм) ён юзасини кесиб туширишда ҳам, танавор ўлчами **а** қисқич мослама (1) ён юзаси билан таянч (4) юзасигача бўлган масофа билан аниқланади. Таянч (4) эса ўз навбатида кескич (3) нинг кейинги силжишини чегаралаб, таянч (4) юзидан кескич тигъи қиррасигача бўлган масофа **б** ҳам ушланади.

Бу ўлчамлар, шу созланган дастгоҳда доимий бўлса, ишланувчи танавор ўлчами **а** нинг аниқлиги ўзгармас сақланади.



1-расм. Ўлчамларни автоматик олиш усули бўйича танаворларга ишлов бериш

Шундай қилиб, "Аниқликка автоматик эришиш" усули созланган дастгоҳларда бўлғанлиги учун, талаб этилган ишлов бериш аниқлиги ишчи-операторга bogъliqlikdan, birinchiidan dastlab dastgoҳni sozlagan sоловчига, maxsus moslama tayёрлаган asboboszga va tanavordagи база va ўlchamlarни belgilab beruvchi, ўrnatiш va maҳкамлаш uslubini aniklovchi hamda kerakli moslama loyiҳasini belgilovchi texnologga ўtadi.

- «Аниқликка автоматик эришиш» усулининг afzalliklari kуйидагилар:
- ишлов бериш аниқлигининг ortishi va iшга яроқsизlikning kamaiishi;
- қиринди қалинлигига ишлов беришнинг bogъliq emasligi (чунки қўйим, созланган дастгоҳда boшидан ўзи bu miqdordan kўпроқ қилиб tайinlanadi) va iшchi malakasiga va uning dikqat-eъtioriga bogъliq bўlmasligi;
- birlamchi режалашга vaqt ketkazmaslik, sinov қиринди olib, keyin xosil bўlgan yuzani ўlchab ovora bўlmaslik, natiжada iшlab чиқariш unumdorliginинг oshiши;
- bundan tashkari tanavorga iшлов beruvchi iшchinining iшonch va хотиржамлик bilan tаянчга tirab iшlaши; iшлов bериш жараёнида ritmik ҳarakatlarning kamaiishi xisobiga iшchinining kam charcab, yuқori unumdorlikka эришиши. Yuқori malakali iшchini ratсионал iшlatilsa, sозланган dastgoҳlarдagi iшlar, shogird-operatorlarга topshirilsa ham bўliшлиги;
- keyinchалик automatlashтиришни rivожлантириб borilsa bu vazifalar dastgoҳ-automatlar va dastur orқали boшқariuvchi dastgoҳlar zimmasiiga yoklanса ham bўliшлиги;
- yuқori malakali iшchilar dastgoҳlarни sозлаб, 8...12 tagacha bўlgan dastgoҳlarни boшқariш bilan band қилинади, natiжada xar xil sarflar kamaiib, iшlab чиқariшнинг tejamkorligi ortishi kabilar.

Бу усулнинг афзаллигидан серияли, йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда кенг қўлланилади.

Бу усулни майда серияли ишлаб чиқаришда қўлланса тежамкорлик жиҳатдан яхши натижалар бермайди ва ўзини иқтисодий қоплай олмайди, чунки партиядаги деталлар сони жуда ҳам кам бўлганлиги сабабли маҳсус дастгоҳлар, мослама ва асбобларни, шунингдек созлаш жараёнларини қўллаш ўзини қоплай олмайди, тайёрланган деталнинг таннархи жуда ҳам юқори бўлади; жиддий технологик тайёргарлик, технологик жараённи пухта қилиб яратиш ва пухта созлаш схемаларини қўллаш майда серияли ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилмайди.

Кўриб чиқилган ҳар бир берилган аниқликка эришиш усулида ўзига хос ҳар хил сабабларга кўра пайдо бўлувчи систематик ва тасодифий ишлов бериш хтоликлари кузатилади. Бу эса, аниқликка турли омилларнинг таъсири этиши натижасидир

3. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг муаммоли масалалларини ечиш усуллари.

Ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш алоҳида ишлаб чиқариш муассасаларининг ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқариш маконларини яратиш билан боғлиқ. Бундай маконларни ташкил этишда, аввало ишлаб чиқариш муассасаларида ишлаб чиқаришлашни ташкил этиш, яъни барча илмий, амалий, инновацион, маъмурий ва хўжалик хизматларини бошқарув бўлимларини ягона тармоққа бирлаштириш, уларнинг Интернет тизимига чиқиш имкониятларини яратиш, ишлаб чиқарш муассасасида ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш, хужжатлар электрон алмашувини ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари негизида маҳсус замонавий технологиялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқиш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳозирда бундай вазифаларни бажаришда автоматлаштирилган технологияларини яратиш орқалигина ишлаб чиқариш- ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Ишлаб чиқариш муассасасининг ягона ишлаб чиқариш-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ишлаб чиқариш жараённада телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришларни тизимлаштириш ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради. Ишлаб чиқариш порталларининг яратилиши ишлаб чиқаришларни мантикий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Ягона ишлаб чиқариш муҳитини яратишда таҳлилий тайёргарликнинг юқори талаблар даражасида бўлиши, мазмуннинг мақсадга мувофиқлиги, ишлаб чиқаришларнинг тизимлаштирилишини таъминлаш ишлаб чиқариш

муҳитини яратиш ва уни ривожлантиришда тизимли ёндашувни амалга оширишни шарт қилиб қўяди. Ишлаб чиқаришни мазмуни биринчидан, ишлаб чиқариш ва коммуникация технологияларини жорий этиш орқали имкониятларини кенгайтиришни, иккинчидан, мустақил ривожлана олиш имкониятларини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш ва қўшимча инновацион ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш сифатини ошириш имкониятларига йўналтирилган бўлади. Машинасозлик ишлаб чиқариш жараёнида инновация салмоғини ортиши янги ишлаб чиқаиш ресурсларидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун ягона ишлаб чиқариш порталларини яратиш лозим.

Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини ошириш яъни ишлаб чиқариш жараёнини интенсивлаштириш муаммоси машинасозлик фанларининг асосий вазифаларидан биридир. Фан-техниканинг ривожланиши туфайли ишлаб чиқарувчиларга бериладиган имкониятлар микдори ниҳоят даражада кўпайиб бормоқда. Бу ишлаб чиқаришни анъанавий усул ва воситалар ёрдамида етказиб бериш эса мураккаблашмокда. Шунга қарамай, кўпгина илмий кашфиёт ва техника ва технологияларни ўзига хос тушунтириш ва етказиб бериш жараёнини анча осонлаштиришда ўқитишининг замонавий техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш алоҳида ўрин тутади.

Олий ўқув юртларида мутахасислик фанларини самарали ўқитиш учун компьютер ва замонавий ишлаб чиқариш технологиясига асосланган электрон дидактик материаллар, дастурий воситалар, виртуал лабораториялар, услубий қўлланмалар яратиш ва улардан унумли фойдаланишга катта ахамият берилмоқда.

Интерактив технологиялардан фойдаланиши

Интерактивлик тушунчаси. Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилди. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ишлаб чиқариш назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилди.

Интерактив хизматлар тушунчаси. Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан кўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Машинасозликда ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш муаммолари нимадан иборат?
2. Машинасозликда маҳсулот сифатини ошириш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
3. Машинасозликда ишлов бериш аниқлигини таъминлаш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
4. Машинасозлик жиҳозларининг пухталигини ошириш муаммолари нималардан иборат?
5. Машинасозликда иқтисодий самарадорликни ошириш муаммолари нималардан боғлиқ?
6. Машинасозликда ишлаб чиқаришининг мосланувчанлигини таъминлаш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
7. Машинасозлик ишлаб чиқаришнинг оптималь кўрсаткичлари ва иш режимларини таъминлаш муаммоларини ечими намалардан боғлиқ?
8. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг автоматик бошқариш системалари қандай танланади?
9. Деталларга ишлов бериш сифатини автоматик назорат қилиш қурилмаларининг ишлаш принципи қандай?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Мехатроника: Пер. с япон./ Исию Х., Иноуе Т. и др. - М.: Мир, 1988. – 318 с.
2. Подураев Ю.В. Мехатроника: основы, методы, применение: учеб. пособие для студентов вузов. - М.: Машиностроения, 2006. – 256 с.
3. Перегудов Л.В. Хашимов А.Н. Шалагуров И.К. Перегудов Ю.Л. Автоматлаштирилган корхона дастгоҳлари. Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Молчанов Г.Н. Станки с ЧПУ. Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Жураев М.А. Мамаджанов А.М. ва б. Машинасозликнинг замонавий техникалари дастгоҳларида металларга ишлов бериш технологияси. Т.: Шарқ, 2007.

МАВЗУ 2: МАШИНАСОЗЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

- 1. Машинасозликнинг замонавий техникалари**
- 2. Машинасозликнинг замонавий технологиялари**

1. Машинасозликнинг замонавий техникалари.

Машинасозликнинг замонавий техникалари турларининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳозирги кунда ҳар хил деталларга бир ўрнатишда комплекс ишлов бериш имкониятга эга бўлган машинасозликнинг замонавий кўп операцияли техникалари сони янада ортиб бормоқда.

Битта иш жойида бажариладиган операцияларнинг интеграциялашуви натижасида машинасозликнинг замонавий техникалари одатдаги гуруҳ турларига нисбатан катта ўзгаришларга эга бўлмоқда. Улардан қўйидаги иккита катта гуруҳни ажратиб қўрсатиш мумкин: айланувчи жисм туридаги деталларга ишлов бериш учун ва корпус деталларга ишлов бериш учун машинасозликнинг замонавий техникалари.

Машинасозликнинг замонавий токарлик станокларни ишлов беришнинг асосий параметрлари бўйича, яъни ишлов бериш узунлиги L нинг диаметри D га бўлган нисбати бўйича: патронли ($L/D=0,25 \div 1,0$ деталларга ишлов бериш учун) ва марказли (патрон марказли, $L/D=0,1 \div 1,0$ ва ундан юқори деталларга ишлов бериш учун) турларга бўлишади.

Машинасозликнинг замонавий токарлик станоклар турларига базавий моделдаги станоклар билан бирга, уларнинг модификациялари (револвер каллакли, асбоблар магазинили, кўп суппортли, икки шпиндели ва ҳ.к) ҳам киради. Токарлик станокларнинг асосий характеристикаларидан бири бу станокда асбоблар блокининг жойлашиш схемаси ҳисобланади. Бу схемалар ҳар хил бўлиши мумкин, лекин машинасозликнинг замонавий техникаларида асбобларни автоматик алмаштиришни таъминлаш зарур. Одатдаги схемада асбоб суппортнинг кескич тутқичида маҳкамланади. Супортдаги револвер каллакли схема катта ҳажмни таъминлайди, бундай каллаклар станок марказлари ўқи ортида ёки асбобларнинг каллакда ўқдош ёки перпендикуляр жойлашишида марказлар ўқидан юқорида жойлашган бўлиши мумкин. Чивиқли ва патронли станоклар учун асбоб шпиндел ўқида жойлаштириладиган схемаси қўлланилади, бунда револвер каллак станок асосига перпендикуляр бўлиши ёки унинг фронтал текислигига бўлиши мумкин. Токарлик станокларнинг икки револвер каллакли, револвер каллак ва супортли, икки супортли

конструкциялари кенг тарқалған. Йирик серияли кенг ишлаб чиқаришда икки ва уч шпинделли, револвер каллакли токарлик станоклар қўлланади.

Токарлик станокларнинг баъзи конструкцияларида револвер каллакларини одатдагидан фарқ қилувчи схемаларда жойлаштириш ҳам учраб туради.

Ишлаб чиқарилаётган токарлик станоклари барча асосий параметрлар, техник характеристикиси, технологик имкониятлари, ишлов бериш аниқлиги, конструкциясининг бикрлиги, асбобларни алмаштириш ва заготовкани алмаштиришни автоматлаштириш ва ҳ.к. бўйича замонавий талабларга жавоб беради.

Машинасозликнинг замонавий фрезалаш станоклар 250×1000 , 320×1250 , 400×1600 мм ўлчамдаги консол столли қилиб ишлаб чиқарилади. Консолсиз столли фрезалаш станоклар юқори бирлик ва ишлов бериш аниқлигига эга. Бундай станокларнинг столи энининг қатори 250 , 400 , 500 , 630 , 1000 мм ни ташкил этади. Консолсиз вертикал фрезалаш станоклардан столи ўлчами 250×630 ва 500×1070 мм бўлган станоклар энг кенг тарқалған станоклар ҳисобланади.

Машинасозликнинг замонавий станокларнинг бошқа турлари ҳам қўлланмоқда [6,16,23 ва бошқалар]. Лазер асбоб билан жиҳозланган станоклар ишлаб чиқарилмоқда, жумладан, қадамли юритмали лазерли пармалаш станоклар кенг қўлланмоқда.

Машинасозликнинг замонавий қўп операцияли станоклари детални станокда бир ўрнатишда жуда қўп операцияларни бажариш имкониятини беради, бу эса жуда қўп ўтишларни бажариш талаб этилганда катта самара беради. Станоклар деталлар турини (айланувчи жисм, корпус, яssi ва ҳ.к) инобатга олган ҳолда технологик вазифаси бўйича, ишлов бериш аниқлиги (оширилган, юқори ва ҳ.к.) ва ишлаб чиқаришнинг сериялиги бўйича таснифланади. Конструктив белгилари бўйича қўп операцияли станокларни корпус деталларига комплекс фрезалаш, тешик йўниш ишлов бериши учун (столи эни 250×400 мм) горизонтал шпинделли ва буриладиган столли; яssi деталларга комплекс ишлов бериш учун (столи эни 250×1000 мм) вертикал шпинделли, катта узунликдаги деталларга комплекс ишлов бериш учун (столи эни 400×2500 мм) бўйлама столли станокларга бўлишади. Ҳозирги кунда айланувчи жисм туридаги деталларга ишлов бериш учун қўп операцияли станоклар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Кўп операцияли станокларни қўпчилик ҳолларда фрезалаш, пармалаш ва тешик йўниш станоклар асосида ишлаб чиқарилади. Ишлов бериладиган деталлар таҳлилидан шу нарса ўрнатилганки, қўп операцияли станокларнинг крест столли ва горизонтал ёки вертикал шпинделли ўртача ўлчамдаги компановкаси энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Консолсиз компановкадаги


крест столли горизонтал шпинделі станоклар күпчилик ҳолларда буриладиган стол билан жиҳозланади. Бундай компановка столи консолли жойлаштирилган станокларга нисбатан юқори бикрликка эга бўлиб, ишлов беришнинг юқори аниқлигини таъминлайди, столнинг баландлик бўйича доимий жойлашиши машинасозликнинг замонавий станогини заготовкани автоматик алмаштириш қурилмаси билан жиҳозлаш имкониятини таъминлайди. Столи бўйлама ҳаракатланадиган бир ёки икки устунли қўп операцияли станоклар оширилган узунликдаги деталларга ишлов бериш имкониятини яратади. Бундай станоклар крест столли станокларга қараганда ҳам юқори бикрликка эга.

Замонавий техник даража станокларнинг иш унумига ва технологик имкониятларига юқори талаблар қўяди. Бундай юқори талаблар станок бикрлигини, бош юритма қувватини (1,5 марта), шпиндел айланишлар частотасининг юқори чегарасини (4000 айл/мин гача), ишчи суришлар тезлигини (3000 мм/мин гача) ва тез юришлари (10 м/мин гача) ошириш ҳисобига, асбобларни автоматик алмаштириш вақтини (3-5 сек) қисқартириш ҳисобига, кўп асбобли каллаклар, заготовкани юклашни механизациялаш, юқори моментли доимий ток электродвигателлари (бундай двигателлар суриш юритмасининг, айниқса ўтиш жараёнларида, яхши динамик сифатини таъминлайди) қўллаш ҳисобига, контурли қурилмаларини, шу жумладан, интеграл элементлардан тузилган қурилмалар ҳамда релели автоматика ўрнига электрон автоматикани қўллаш ҳисобига, тескари алоқа мақсадида индуктосин туридаги замонавий датчикларни қўллаш ҳисобига, ҳар хил технологик вазифадаги фрезалаш, тешик йўниш, жилвирлаш бабкаларини қўллаш, оғир станоклар учун гидростатик йўналтирувчилар ва червяқ-рейка узатмаларини қўллаш ҳисобига эришилади.

Кўп операцияли станокларнинг кўпгина моделлари шпинделни горизонтал жойлашган схемаси бўйича ишланган.

Корпус деталларига ишлов бериш учун кўп операцияли станоклар. МДҲ корхоналарида Иванов станоксозлик бирлашмасида ишлаб чиқилган кўп операцияли станоклар кенг тарқалган. Бу станоклар кенг тур-ўлчам диапозонида ишлаб чиқарилади, бაъзи станоклар мосланувчан ишлаб чиқариш модуллари сифатида ҳам тайёрланади.

«Модуль – ИР 320 ПМФ4» – кичик ўлчамдаги мураккаб конфигурациядаги корпус деталларига ишлов бериш учун мўлжалланган бўлиб, у бир қанча принципиал янги конструктив ечимларга эга (1-расм).



1-расм. «Модуль – ИР 320 ПМФ4» күп операциялы станоки.

Станокда асбобларни алмаштириш автомати к бажарилади, у вертикал ҳаракатланувчи шпиндел бабкасига эга бўлиб, шпиндел бўйлама ҳаракатланади, столининг ишчи юзаси вертикал жойлашган. Асбоблар магазинининг ҳажми 36 асбобга тенг бўлиб, у устун ён юзасида манипуляторсиз жойлаштирилган. Детал 320x320 мм ўлчамдаги вертикал столда бир ўрнатишда тўрт томондан ишлов берилади. Ишлов бериладиган детални алмаштириш автоматик бажарилади, бунинг учун станок олдида стол-йўлдошларни тўрт позицияли тўплагич автоматик қурилмаси ўрнатилган.

Асбобни совитиш учун шпиндел корпусида жойлаштирилган саккизта тешик кўзда тутилган, улар орқали асбобга совитиш-мойлаш суюқлиги узатилади.


Станокда столни тез айлантириб, токарлик операцияларини ҳам бажариш мумкин. Станок конструкцияси столни уч хил режимда айлантириш имконини беради:

- 1) позициялаш режими столни ихтиёрий бурчакка ± 5 бурчак секунди аниқлигига буриш;
- 2) айланали фрезалаш учун узлуксиз суриш режими столнинг айланниш частотаси 10 айл/мин гача;
- 3) токарлик ишлов бериш режими – столнинг айланниш частотаси 200 айл/мин.

Станок компакт конструкциясига эга бўлиб, CNC синфидаги бошқариш қурилмаси билан жиҳозланган.

Токарлик кўп операцияли станоклар (айланувчи жисм туридаги деталларга ишлов бериш учун). Кўп операцияли токарлик станоклар нисбатан камроқ тарқалган, лекин кейинги вақтларда уларни ишлаб чиқариш ва

фойдаланиш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бундай станоклар валлар ва фланецларга токарлик ишлов беришдан ташқари ишлов бериладиган детални бир ўрнатишида заготовканинг айланиш ўқига нисбатан параллел ва перпендикуляр тешикларига ишлов бериш, тирқишлиарни фрезалаш ва х.к. ишларни бажариш имконини яратади. LM 70-АТ станоги 2-расмда күрсатилган.



2-расм. LM70-АТ кўп операцияли токарлик станоги.

Станокнинг шпинделли бабкаси (1) вертикал йўналтирувчиларда ҳаракатланиши мумкин. Бунда заготовка асбоблар шпиндели (4) га нисбатан ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин. Шпиндел (4) га (магазин (2) даги) асбоблар автооператор (3) ёрдамида узатилади. Асбобларни алмаштириш позициясида Тўғрилагич магазин уяси билан биргаликда горизонтал ҳолатга ўтказилади. Автооператор горизонтал ўққа нисбатан бурилиб, иккала асбоблар Тўғрилагичсини ҳам бир вактда тутади, магазин уяси ва шпинделдан чиқарилиб, уларни ўрнини алмаштиради. Магазин, автооператор ва асбоб шпиндели, станок суппорти (8) да жойлаштирилган корпус (9) да ўрнатилган. Корпус вертикал ўқ атрофида бурилиши мумкин. Бу нарса заготовкада асбоблар шпинделига параллел ва марказий тешикларни пармалаш учун, асбобнинг заготовкага нисбатан ҳар хил ҳолатларида пармалаш, фрезалаш ва бошқа ўтишларни бажариш учун керак. Станок шпиндели заготовкани асосий айланма ҳаракатидан ташқари, берилган бурчакка буриш учун қўшимча юритмага эга.

Намунавий токарлик ўтишлари йўниш, тешикларни йўниб кенгайтириш ва х.к. бажаришга мўлжалланган асбоблар револвер каллаги 10 уяларида маҳкамланади. Револвер каллаги асбоб шпинделига қарама-қарши томонда корпус (9) га жойлаштирилган бўлиб, горизонтал ўқ атрофида айланади.

Станок вал типидаги деталларга патронда орқа марказ (5) га таяниб ёки марказларда токарлик ишлов беришларини бажариши мумкин. Бундай ҳолатда шпиндел (4) да маҳкамланадиган асбоблар ёрдамида вал ясовчиси ёки вал

бўйлаб жойлашган шпонка ариқчалари, тирқишилари, тешиклар ва бошқа элементларга ишлов бериши мумкин. Қириндиларни йигиш ва олиб чиқиб кетиш учун скребкали конвейр (7) ва тележка (6) хизмат қиласди.

2. Машинасозликнинг замонавий технологиялари. Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётнинг энг замонавий – инновацион шаклини ривожлантириш мұхим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 224 илмий, олий таълим, тажриба-конструкторлик ва инновация марказларида давлат илмий-техника дастурлари доирасида бир неча лойиҳалар амалга оширилаётир. Фундаментал тадқиқотлар, амалий тажрибалар олиб борилмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш соҳа ривожи учун янада кенг имкониятлар очади. Бу бир қатор ташкилий ва услубий масалаларни ҳал этишни талаб қиласди. Ана шундай инфратузилмани ривожлантириш, технологиялар трансфери ва илмий ишлаб чиқариш алмашинувида халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари кўтарилилмоқда. Илмий-техника ишлаб чиқариши тизимини янада ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. «Янги усул (янгиликни жорий килиш)» тушунчаси инглизча «innovation» сузидан олинган. Инглиз тилидан сузма-суз таржимаси «янгиликни куллаш» еки бизнинг тушунчамиз буйича «янгиликларни жорий килиш» булади.

Машинасозликда деталга ишлов бериш замонавий технологиялари умумий ҳолда жиҳоз билан ва технологик ускуналар комплекси билан боғлиқликдаги ишлов бериш кетма-кетлиги билан аниқланади.

РДБ станокларда деталларга ишлов бериш кетма-кетлиги заготовка шакл ва ўлчамларидан, базалаш юзаларининг шакли, тури ва ўлчамларидан, ҳамда умумий технологик жараёнда станокда бажарилиши мўлжалланган операцияларга қўйиладиган талабларга боғлиқ. Бундай мураккаб ва мұхим масалани ҳал этиш учун технолог-дастурчидан станокнинг технологик имкониятлари ва корхона имкониятлари, детал конструкциясининг ўзига хос хусусиятлари, станокда ишлов беришда вужудга келадиган ўзига хос ишлов бериш технологик усуллари ва талаблари ҳақидаги тўлиқ билимлар талаб этилади. Худди шундай деталларга одатдаги станокларда ишлов бериш тажрибаси максимал фойдаланилиши керак. Энг аввало, деталга тўлиқ ишлов бериш учун уни станок столи ёки шпинделида ўрнатишлар (ҳолатлари) сони ҳақидаги масала ҳал қилиниши керак. Биринчи ўрнатишни одатда, заготовкани «қора» ёки олдиндан тайёрланган «тоза» базада базалаш қулайлиги шартидан танланади. Иккинчи ва кейинги ўрнатишларда ўтиш базалари сифатида олдинги

ўрнатишларда ишлов берилған тоза юзалардан фойдаланиш күзда тутилиши керак. Масаланинг асосий ечими энг кам сонли ўрнатишларда ва ўрнатиш ускуналарида деталга ҳамма томондан түлиқ ишлов бериш схемасини излаб топишдан иборат бўлади.


Деталга ишлов бериш кетма-кетлиги схемасини ишлаб чиқиш жараёнида заготовкани ҳар бир ўрнатишда базалаш ва маҳкамлаш учун мосламанинг эскиз лойиҳаси (техник топшириқни тузиш) бажарилади.

Талаб қилинган ўрнатишлар сони ва кетма-кетлиги аниқланганидан сўнг деталга унинг конструктив хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда (ташқи ва ички контурлар ва х.к.) зоналар бўйича ишлов бериш кетма-кетлиги берилади. Ҳар бир зона учун алоҳида элементлар (ён юза, ички контур, тешик) ажратилади ва улар учун ишлов бериш тури (хомаки, тоза) ва талаб қилинадиган асбоблар тур-ўлчамлари аниқланади. (3-расм).

Битта асбоб билан ишлов бериладиган битта зона ичидағи ва бутун зоналар бўйича алоҳида элементлар гурухланади. Бундай гурухлаш бутун деталга ишлов бериш учун қирқувчи асбоблар тур-ўлчами сонини ва берилған ўрнатишда етиш мумкин бўлган барча зоналарга ишлов бериш имкониятини аниқлашни таъминлайди.

Зоналар бўйича ишлов бериш кетма-кетлиги детал ва заготовка конструкцияси билан аниқланади. Бундай кетма-кетликни ўрнатишда ишлов беришнинг ҳар бир участкасида деталнинг максимал бикрлигини таъминлаш қоидасига амал қилиш керак.

Қовурғали корпус деталларига ишлов беришда қовурға ён юзаларини фрезалашни биринчи бажариш мақсадга мувофиқ, чунки бунда қовурғалар бикрроқ бўлади. Шундан сўнг, ташқи контурлар, кейин эса чуқурликларнинг ички деразаларига ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Деталнинг ички контурларини марказдан четга қараб ишлов бериш мақсадга мувофиқ.



3-расм. Деталларга фрезалаб ишлов беришда ҳар хил асбоблардан фойдаланиш зоналари.

Токарлик станокларда зоналарга ишлов бериш кетма-кетлигига ҳеч қандай шартлар қўйилмаган бўлса, ишлов беришни бикрлиги юқори бўлган зонадан бошлаб (катта диаметр), бикрлиги кичик зонада тугатиш керак. Бир нечта асбоблар талаб қилинадиган ярим тоза ва тоза ишлов беришда станокларга асбоблар магазинини киритиш мақсадга мувофиқ. Берилган зонада жойлашган детал элементларига ишлов бериш кетма-кетлиги операцион технологик жараённи лойиҳалаш босқичида аниқланади.

Ишлаб чиқаришда олти томондан ишлов беришни талаб қиласидиган мураккаб корпус деталлари кўп учрайди. Агар деталлар қия текисликларга эга бўлса, томонлар сони 10 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ҳар бир томонда чўнтаклар, тирқишлир, йўналтирувчилар, қовурғалар ва бошқа конструктив элементлар бўлади, яъни корпуснинг ҳар бир томони – ҳар хил чуқурликка эга текислик бўлиб, ҳар бири мураккаб контурга эга. Ҳар бир томонда маълум сондаги асосий ва маҳкамлаш тешиклари: силлиқ, поғонали, конуссимон, резбали тешиклар бўлиб, улар ҳар хил ўлчам, чуқурлик ва аниқликда бўлиши мумкин.

Кўпинча корпус деталининг деворлар, бикрлик қовурғалари бўлган ички юзаларига ишлов бериш талаб этилади. Одатдаги шароитларда бу кўп сонли фрезалаш, пармалаш ва тешик йўниш операцияларини қўзда тутадиган мураккаб технологияни ишлаб чиқиши талаб этади. Бунда йирик ва оғир корпус деталини бир станокдан иккинчи станокка ташиш, уни станокда кўп марта ўрнатиш, базалаш ва маҳкамлаш, кўтариш-ташиш ишлари учун механизация воситаларини лойиҳалаш керак бўлади. Бундай ишлашда машина вақти донабай вақтнинг 30% дан ошмайди, унинг қолган қисмини оғир ёрдамчи операциялар ва ўтишлар ташкил қиласи.

Кўп мақсадли станоклар тўғри чизиқли ва эгри чизиқли юзаларни фрезалаш операцияларини, тешикларни марказлаш, пармалаш, пармалаб кенгайтириш, зенкерлаш, развёрткалаш, цековкалаш, йўниб кенгайтириш, раскаткалаш ва накаткалаш (метчиклар, плашкалар, кескич каллаклари, кескичлар билан) резбалар очиш, уч ва дискли фрезалар билан ташқи ва ички цилиндрик, конуссимон ва шаклдор юзаларга, айланали тирқишиларга айланали фрезалаш ишларини бирлаштириш имконини беради. Кўп мақсадли станокларда юқори самарадорликка эришиш учун заготовкага барча ишлов беришларни битта станокда бир-икки ўрнатишда бажаришга интилишади. Бироқ, бошланғич заготовкада мавжуд бўлган қолдиқ кучланишларнинг қайта тақсимланиши натижасида ишлов берилган деталлар шаклининг ўзгариш хавфини инобатга олишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда технологик жараённи хомаки ва кейинги ишлов беришларга бўлишади. Хомаки ишлов беришларни юқори бикрликка эга, ўта бикр РДБ ёки универсал станокларда бажариб, деталдаги

ички кучланишларни йўқотиш учун уни термоишлоў беришга жўнатилади. Кейинги ишлов беришлар кўп операцияли станокларда бажарилади.

Операциялар режасини танлаш. Ишлов бериладиган юзаларнинг кўп сонлилиги, ҳар бир юзага ишлов беришда хомаки, ярим тоза ўтишларнинг мавжудлиги, магазиндаги асбоблар сонининг кўплиги кўп операцияли станокларда деталларга ишлов бериш режасини танлашни мураккаблаштиради.

Бунда энг самарали варианти танлаш масаласи вужудга келади. Операция режасини танлашдаги варианлар етарлича кўп. Масалан, деталга олдин бир томондан тўлиқ ишлов бериш, сўнгра уни буриш мумкин; барча томонларига олдин хомаки ишлов бериб, сўнгра тоза ишлов беришга ўтиш мумкин; олдин барча текисликларга ишлов бериб, сўнгра тешикларга ишлов беришга ўтиш мумкин. Ўқдош тешикли деталларга қарама-қарши томондан кетма-кет ишлов бериш мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

Масалани конкрет ҳал этишда жуда кўп хилма-хил омилларни инобатга олиш керак бўлади. Бунда бир нечта умумий қоидаларга амал қилиш тавсия этилади: конструкция элементининг аниқлиги қанча юқори бўлса, унга ишлов беришни шунча кейинроқ кўзда тўтиш керак; олдин хомаки, сўнгра эса тоза ишлов беришларни режалаш керак; бажарувчи органнинг (асбобларни алмаштириш, столни буриш ва ҳ.к) ишга тушиши қанча секин бўлса, у шунча камроқ ишлатилиши керак. Энг юқори аниқликлар детални бир ўрнатишида ишлов бериш билан таъминланиши мумкин. Катта қўйимга эга деталлар учун оралиқ операцияларни кўзда тўтиш керак, улардан бир қисмини универсал ёки маҳсус жиҳозларда бажариш мақсадга мувофиқ.


Кўп операцияли станокларда деталларга ишлов бериш операцияларини танлашда, аввало, мос норматив хужжатларда тавсия этиладиган [26,27] намунавий схемалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Одатда, бу хужжатлар детал ва заготовканинг туридан, ишлов бериладиган юзаларнинг турига, уларнинг аниқлигига ва ҳ.к. боғлиқ равишда операциялар кетма-кетлигини таклиф қиласди.

«Корпус» туридаги деталга кўп опрецияли станокда ишлов беришда ўтишлар мазмуни ва кетма-кетлиги (4-расм):

- 1) юқори текисликни фрезалаш (А зона); СМП ли ён фреза 1;
- 2) юқори устунли фрезалаш (зона Б); тўғри бурчакли ўрнатиладиган пичоқли торцавий фреза 2;
- 3) пастки устунни фрезалаш (зона В); тўғри бурчакли ўрнатиладиган пичоқли торцвий фреза (зона В);
- 4) ён юзани фрезалаш (зона Г); тезкесар пўлатли концевой фреза 3;
- 5) дарчани фрезалаш (зона Д); тишлари ён юзасида бўлган тезкесар концевий фреза 4;

6) контурли чуқурликни фрезалаш (зона Е); қаттиқ қотишмали концавий фреза 5;

7) бўйлама тирқишини фрезалаш (зона Ж); тирқишилар учун ўрнатиладиган пичноқли қаттиқ қотишмали дискали фреза 6;



3.12-расм. «Корпус» туридаги деталга ишлов бериш схемаси.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий мұаммолари нималардаш иборат?
2. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг турлари, ишлаш принциплари, асосий кўрилмалари ва муҳим қисмлари нималардан иборат?
3. Машинасозликнинг замонавий техникасини конструкциялаш ва ҳисоблашнинг умумий принциплари нималардан иборат?
4. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги техника ва технологияларининг аҳамияти нимада?
5. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг ривожланиш тенденциялари нималар билан белгиланади?
6. Асбобларни автоматик алмаштириш системаларининг структураси қандай?
7. Заготовкаларни автоматик алмаштириш системаларсига қандай қисмлар киради?
8. Кесувчи асбоб ва заготовкаларни тўплаш сақлаш ва транспортлаш қурилмаларининг таркибий қисми нималардан ташкил топган?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Мехатроника: Пер. с япон./ Исию Х., Иноуе Т. и др. - М.: Мир, 1988. - 318с.
2. Подураев Ю.В. Мехатроника: основы, методы, применение: учеб. пособие для студентов вузов. - М.: Машиностроения, 2006. – 256с.
3. Перегудов Л.В. Хашимов А.Н. Шалагуров И.К. Перегудов Ю.Л. Автоматлаштирилган корхона дастгоҳлари. Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Молчанов Г.Н. Станки с ЧПУ. Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Жураев М.А. Мамаджанов А.М. ва б. РДБ дастгоҳларида металларга ишлов бериш технологияси. Т.: Шарқ, 2007.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Замонавий автоматлаштирилган машинасозлик нималар асосида тавсифланади?

- А) Махсулот ҳажми асосида;
- Б) Конструкция, эксплуатацион режим асосида;
- В) Параметрлар жиҳатидан янгиланиб туриш асосида;
- Г) Параметрлар жиҳатидан янгиланиб туриши, конструкция, эксплуатацион режим, махсулот ҳажми асосида.

2. Замонавий автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилишда кадрлар қандай тайёрланади?

- А) Автоматизация йўналишида олдиндан кадрларни тайёрлаш;
- Б) Технологларни жалб қилиш;
- В) Конструкторларни жалб қилиш;
- Г) Талабаларни жалб қилиш.

3. Автоматлаштирилган серияли ва индивидуал ишлаб чиқариш нималарга базаланган бўлади?

- А) Кўл ёрдамида бошқариладиган универсал технологик ускуналарга ва жиҳозларга;
- Б) Механизациялашган йиғиш, назорат, мослама транспортлашга;
- В) Махсулотларни омборлаштиришга;
- Г) Универсал жиҳозлар, мосламалар, назорат механизациялашган йиғиш транспортлаш, омборлаштиришга;

4. XX асрни энг катта ютуқларидан ҳисобланадиган, технологик ва ёрдамичи жараёнларни автоматлаштиришни кенгайтирадиган ишлаб чиқариш роботлари қандай истиқболларни очиб беради?

- А) Ўзгарувчан ишлаб чиқариш тизимлари, одамсиз технологияларни;
- Б) Автоматлаштирилган технологияларни;
- В) Механизациялашган технологияларни;
- Г) Автоматлаштирилган линияларни.

5. Роботлаштиришни кенг тарқалмаслигига нималар сабали бўлган?

- А) Роботлаштириш жараёнини нотўғри тушиниш;
- Б) Ишлаб чиқаришни туб муаммоларини ечим ва самарадорликни оширишга йўналтирилмаганлиги;

- В) Фақат одам күли ҳаракатини имилитациялаш;
- Г) Сифат, унумдорлик, таннарх, ракобатбардошликтин таъминловчи технологик жараённи яратылмаслиги;

6. Автоматик линияларга бериладиган талабномани корхона – истеъмолчи-линия буюртмачининг қандай хизматлари бажаради?

- А) Технологик ҳизмати;
- Б) Назорат ҳизмати;
- В) Ҳавфсизлик Техникаси ҳизмати;
- Г) Таъмирлаш ҳизмати;

7. Автоматик линияга тузилған талабномада нималар кўрсатилади?

- А) Ишлов бериладиган детал материали тўғрисида маълумот, ва унинг меҳаник ҳоссалари (қаттиқлиги, мутаҳкамлик чегараси), заготовка олиш усули, операциялар рўйҳати, автоматик линия АЛ унумдорлиги, ва АЛ ни мнимал таннархини ҳисобланган натижалаш;
- Б) Ишлов бериладиган детал материали тўғрисида маълумот;
- В) Заготовкани олиш усули, операциялар рўйҳати;
- Г) АЛ ни мнимал таннархини ҳисоблаган натижаси;

8. Технологик жараёнларни автоматлаштириш қанақа масалаларни ҳал қиласиди?

- А) Автоматлаштириш мавжуд илфор технологик жараёнлар асосида умуман янгича Техника яратиш масаласини ҳал қиласиди;
- Б) Ишчи ҳаракатларни онсонлаштирадиган ва тезлаштирадиган механизмлар яратиш;
- В) Кўл меҳнатини машиналар ва механизмлар ёрдамида тўла ёки қисман механизациялаш;
- Г) Технологик жараёнларни меҳнат унумдорлигини ошириш;

9. Қандай технологик жараёнларни автоматлаштириш мумкин?

- А) Таҳлил қилинган. сўнгра маҳсулот аниқлигини, сифатини, меҳнат унумдорлигини кам ҳаракатларни таъминлайдиган автоматлаштирилган жараённи;
- Б) Маҳсулот аниқлигини, сифатни таъминлайдиган автоматлаштирилган жараённи;
- В) Маҳсулот унумдорлигини таъминлайдиган автоматлаштирилган жараён;
- Г) Механизациялашган технологик жараёни;

10.Иш цикли деганда нимани тушинасиз?

- А) Иш вактида бажарилған ҳаракатларга кетган вакт;
 Б) Муайян бир аммаллар бир ҳил вақт оралиғида тақрорланадиган, анна шу оралиқни иш цикли дейилади;
 В) Битта деталга ишлов берішдә кетган вакт;
 Г) Бажармайдын юришларга кетган вакт.

11.Автоматлаштиришнинг нечта босқичи мавжуд?

- А) Учта;
 Б) Иккита;
 В) Түртта;
 Г) Бешта;

12.Технологик унумдорлық қайси формула асосида анықланади?

- А) $Q_T = 60 / t_p$ (дона соат);
 Б) $Q_k = 60 / (T_u + \sum t_a + \sum t_{t,x})$;
 В) $Q_a = 60 / (T_u + \sum t_a + \sum t_a + \sum t_{t,x})$;
 Г) $Q = t_h + t_b + t_{th}$;

13. «Технологик операция» түшүн часи нимани тассавур қиласы?

- А) Ишчи томонидан бажарилған ишни;
 Б) Технологик жараённинг аниқ қисми;
 В) Алохыда ишчи ўрнида бажарилған ишлар;
 Г) Технологик жараённинг тугалланған қисмини.

14. Автоматлаштирилмаган ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан асосланған донабай вакт қайси формула бўйича хисобланади?

- А) $T_{db} = T_a + T_e$;
 Б) $T_{db} = T_{ta} + T_e$
 В) $T_{db} = T_a + T_e - T_{te}$;
 Г) $T_{db} = T_a + T_e + T_{ta} + T_e$.

15. Йиғиш технологик жараёнда қайси детал базавий бўлиб хисобланади?

- А) Ўрнатиш билан йиғиш жараёни тутатиши детали;
 Б) Узелга прессланадиган деталь;
 В) Йиғиш жараёни бошланадиган деталь;
 Г) Корпуссимон деталь.

16. Технологик операцияларни кетма-кетлиги нималарга боғлик?

- А) Структурага, бир вақтда мосламада ўрнатыладиган заготовкалар сонига, инструментлар
- Б) Сонига, операцияни бажаришдаги инструментларни иш бажариш кетма-кетлигига;
- В) Мосламага бир вақтада ўрнатылган заготовкалар сонига;
- Г) Инструментларни иш бажариш кетма-кетлигига.

17. РДБ станоклари учун технологик ускуналарга нималар киради?

- А) Мосламалар, кесиш асбоблари, ёрдамчи асбоблар, асбобларни олдиндан селчамга ростлаш приборлари;
- Б) Мосламалар, суппортлар, столлар, шпинделлар;
- В) Шпинделлар, патронлар, саноат роботи ускуналари;
- Г) РДБ қурилмалари, мосламалар, шпинделлар.

18. РДБ станокларида ишлов бериш маҳсулдорлигини ошириш йўллари?

- А) Кесиш режимларини жадаллаштириш, ўтишларни жамлаш, ёрдамчи вақтларни қисқартириш;
- Б) Станокларнинг автоматлашганлик даражасини ошириш;
- В) Ёрдамчи вақтларни қисқартириш;
- Г) Заготовкалар ва асбобларини алмаштириш вақтларини қисқартириш.

19. Мосламанинг вазифаси нимадан иборат?

- А) Метал кесиш станогида заготовкани ўрнатиш, базалаш ва маҳкамлаш;
- Б) Метал кесиш станогида кесиш асбобини ўрнатиш, базалаш ва маҳамлаш;
- В) Станокнинг мосланувчанлик даражасини ошириш;
- Г) Метал кесиш станогида ўлчаш назорат ускуналарини ўрнатиш, базалаш ва маҳкамлаш.

20. РДБ станоклари учун мосламаларга қўйиладиган талаблар?

- А) Юқори аниқлик, юқори бикрлик, заготовкага ишлов бериш қўйлайлиги, заготовкани ўрнатиш ва алмаштириш қулайлиги, мосламани тез алмаштириш;
- Б) Юқори аниқлик, юқори бирлик;
- В) Заготовкани ўрнатиш ва алмаштириш қулайлиги, универсаллик, мосланувчанлик;
- Г) Заготовкани маҳкамлаш қулайлиги.

21. Мосламалар РДБ станокларида қандай үрнатилади?

- А) Тирқишилар, тешиклар, шпонкалар, штирлар ёрдамида;
- Б) Шпонкалар, болтлар, планкалар ёрдамида;
- В) Тирқишилар, болтлар, гайклар ёрдамида;
- Г) Тешиклар, болтлар ёрдамида.

22. Йиғма универсал мосламалар қандай тайёрланади?

- А) Олдиндан тайёрланган стандарт элементларидан;
- Б) Заготовка шакл ва сөлчамларига қараб тайёрланган элементлардан;
- В) Махсус элементлардан;
- Г) Станок комплектидаги элементлардан.

23. РДБ станокларида қандай кесувчи асбоблар қўлланилади?

- А) Геометрик аниқлиги ва материали бўйича юқори талабларга жавоб берадиган барча стандарт ва махсус асбоблар;
- Б) Махсус тайёрланган асбоблар;
- В) Қаттиқ қотишмалардан тайёрланган асбоблар;
- Г) Стандарт кесувчи асбоблар.

24. РДБ станокларида ёрдамчи асбобларнинг вазифаси?

- А) Қирқишиларини ўлчамга станокдан ташқарида ростлаш ва уларни алмаштириш тезкорлигини таъминлаш;
- Б) Заготовкага кесувчи асбобдан кейин ўшенимчада ишлов бериш;
- В) РДБ станогида заготовкага қўлда ишлов бериш;
- Г) Кесувчи асбобларни асбоблар магазинида жойлаштириш.

25. Автоматик созлашдаги Z_{max} формула-сини қўрсатинг?

- А) Z_{min}
- Б) $Z_{min} + T_{i-1}$
- В) $Z_{min} + T_{i-1} + T_i$
- Г) $Z_{min} + T_{i-1} - T_i$

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Машинасозликда ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш муаммолари нимадан иборат?
2. Машинасозликда маҳсулот сифатини ошириш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
3. Машинасозликда ишлов бериш аниқлигини таъминлаш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
4. Машинасозлик жиҳозларининг пухталигини ошириш муаммолари нималардан иборат?
5. Машинасозликда иқтисодий самарадорликни ошириш муаммолари нималардан боғлиқ?
6. Машинасозликда ишлаб чиқаришининг мосланувчанлигини таъминлаш муаммолари қандай омиллардан боғлиқ?
7. Машинасозлик ишлаб чиқаришнинг оптимал кўрсаткичлари ва иш режимларини таъминлаш муаммоларини ечими намалардан боғлиқ?
8. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий муаммолари нималардаш иборат?
9. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари нималардан иборат?
10. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг турлари, ишлаш принциплари, асосий қўрилмалари ва муҳим қисмлари нималардан иборат?
11. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг автоматик бошқариш системалари қандай танланади?
12. Машинасозликнинг замонавий техникасини конструкциялаш ва ҳисоблашнинг умумий принциплари нималардан иборат?
13. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги техника ва технологияларининг аҳамияти нимада?
14. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг ривожланиш тенденциялари нималар билан белгиланади?
15. Мехатроника асосида яратилаётган технологик жиҳозлар, уларнинг қисм ва узелларининг ўзига хослиги нимада?
16. Асбобларни автоматик алмаштириш системаларининг структураси қандай?

17. Заготовкаларни автоматик алмаштириш системаларсига қандай қисмлар киради?
18. Кесувчи асбоб ва заготовкаларни түплаш сақлаш ва транспортлаш қурилмаларининг таркибий қисми нималардан ташкил топган?
19. Деталларга ишлов бериш сифатини автоматик назорат қилиш қурилмаларининг ишлаш принципи қандай?
20. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни тайёрлашни автоматлаштириш нималарни ўз ичига олади?

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Машинасозлик ишлаб чиқаришининг техник иқтисодий кўрсаткичлари
2. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари
3. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги техникалари
4. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда асбобларни автоматик алмаштириш системалари
5. Машинасозлик автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда сифат назоратини автоматлаштириш
6. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришида заготовкалар ва кесувчи асбобларни автоматик алмаштириш системалари
7. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда кесувчи асбоб ва заготовкаларни тўплаш, сақлаш ва транспортлаш қурилмалари
8. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари
9. Машинасозлик автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни тайёрлашни автоматлаштириш.
10. Машинасозликнинг автоматлаштирилган ишлаб чиқаришида деталларга ишлов беришни сифатини автоматик назорат қилиш қурилмалар
11. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг турлари, ишлаш принциплари, асосий қўрилмалари ва мухим қисмлари.
12. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг автоматик бошқариш системалари.
13. Машинасозликда замонавий техникасини конструкциялаш ва ҳисоблашнинг умумий принциплари.
14. Мехатроника асосида яратилаётган технологик жиҳозлар, уларнинг қисм ва узеллари.
15. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг ривожланиш тенденциялари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришин ташкил қилишнинг асосий масалалари.
2. Замонавий ишлаб чиқаришнинг янги техникалари.
3. Замонавий ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари.
4. Мехатроника асосида яратилаётган технолгик жиҳозлар.
5. Автоматлаштирилган ишлаб чиқариши сервис қурилмалари.
6. Деталларга ишлов беришни сифатини автоматик назорат қилиш қурилмалар.
7. Машинасозликда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари.
8. Машинасозлик автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни тайёрлашни автоматлаштириш.
9. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозлар.
10. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг автоматик бошқариш системалари.
11. Машинасозликда замонавий техникасини конструкциялаш ва ҳисоблашнинг умумий принциплари.
12. Машинасозликда автоматлаштирилган технологик жиҳозларнинг ривожланиш тенденциялари.
13. Мосланувчан ишлаб чиқариш системалари.
14. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлиги оширишни таъминлаш.
15. Замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг маҳсулот сифатини оширишни таъминлаш.

ГЛОССАРИЙ

- Автомат линия** – умумий транспорт ва умумий бошқариш системаси билан боғланган технологик жараён тартибиға мувофиқ кетма-кет жойлашган автомат станоклар тўплами.
- Аниқлиги** – станокнинг унда тайёрланадиган деталлар аниқлигини белгиловчи кўрсаткичи.
- Асосий ишчи оператсиялар** - заготовканинг шакл ва ўлчамини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган оператсиялар.
- Бикрлик** - доимий ва вақт бўйича ўзгарувчан куч таъсирлари остида эластик деформатсияларнинг вужудга келишиги қаршилик кўрсата олиш хусусияти.
- Бош ҳаракат юритмаси** – кесиш жараёнини мувофиқ тезликлар билан амалга ошириш учун асбоб ёки заготовкани ҳаракатлантирувчи юритма.
- Бошқариш системаси** – ташқи кириш маълумотлари ва назорат ўчаш қурилмаларидан олинган ички жорий маълумотлар асосида технологик жиҳоздаги қолган барча подсистемаларнинг қуйилган топшириққа мувофиқ тўғри ишлашини таъминловчи подсистема.
- Бузилмасдан ишлаши** – маълум вақт давомида ишчи хусусиятларини узлуксиз сақлай олиш хусусияти.
- Диагностикалаш** – станокларни ишончлилигини ошириш мақсадида станок ва унинг муҳим узел ва элементлари ҳақидаги жорий ахборотларни йўналтирилган йифиши.
- Ёрдамчи операциялар** - заготовкани алмаштириш, маҳкамлаш, ўлчаш, кесувчи асбобни алмаштириш, кесувчи асбоб ва бутун станок ҳолатини назарот қилиш билан боғлиқ оператсиялар.
- Иссикбардошлилиги** - у ёки бу иссиқлик манбалари таъсири остида рухсат этилмайдиган ҳарорат деформатсияларини вужудга келишига қаршилик кўрсата олиш хусусияти.
- Ишончлилики** – тўғри техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва транспортировкалаш шартлари бажарилганда, маълум хизмат муддати давомида берилган миқдордаги яроқли маҳсулотни узлуксиз таъминлай олиш хусусияти.
- Қайта созланувчанлик** - бир турдаги деталлар партиясига ишлов беришдан бошқа турдаги деталлар партиясига ишлов беришга сарфланадиган вақт ва воситаларни ифодаловчи хусусияти.

Кўп оператсияли станок – кесувчи асбобларни автоматик алмаштириш натижасида ҳар хил оператсияларни бажара оладиган, заготовкага бир ўрнатишда ҳар томондан “комплекс” ишлов беришни таъминлайдиган станок.

Манипуляциялаш қўрилмалари – станокда заготовкаларни алмаштириш, уларни сиқиши, харакатлантиришёки буриш, кесувчи асбобларни алмаштириш, қириндиларни йигиши ва х.к. каби ёрдамчи оператсияларни автоматлаштиришни таъминловчи қурилмалар.

Манипуляциялаш подсистемаси – заготовкани ишлов бериш жойига узатиши, берилган ҳолатда уни маҳкамлаш, назарот-ўлчаш жойига харакатлантириш, тайёр деталларни станок иш зонасидан чиқариши, кесувчи асбобларни ва қўшимча мосламаларни алмаштиришни таъминловчи система.

Маҳсулдорлик – вақт бирлиги ичида маълум миқдордаги деталларга ишлов бера олиш хусусиятини ифодаловчи кўсаткич.

Махсус станок – йирик серияли ва айниқса ялпи ишлаб чиқариш шароитларида бир хил ёки деярли бир хил деталларга юқори маҳсулдорликда ишлов бериш станоки.

Металл кесиши станоги – талаб қилинган шакл ва ўлчамни олиш учун қиринди қирқиб тушириш йўли билан заготовкага ишлов бериш машинаси.

Мосланувчанлик – янги турдаги деталларга ишлов беришга тез ва кам харажатлар билан ыайта созлана олиш хусусияти.

Мосланувчан ишлаб чиқариш модули – тўлиқ манипуляторлар тўплами, назорат ўлчаш қурулмалари билан жиҳозланган универсал станокга асосланган маълум муддат давомида, “одамсиз технология” шароитида ишлай оладиган автоматлаштирилган универсал технологик ячейка.

Позитсиялаш юритмаси – станок узелини маълум бир позитсиядан талаб қилинган бошқа бир позитсияга аниқ ўрнатиш билан харакатлантириш юритмаси. Замонавий РДБ станокларида суриш ва позитсиялаш юритмалари функцияларини битта юритма бажаради.

Позициялаш аниқлиги - станок узелини бир ёки бир нечта координаталар бўйича берилган позитсияга чиқариш хатолиги.

Саноат роботи

– ёрдамчи оператсияларни автоматлаштиришни таъминлайдиган дастурли бршқариладиган қүрилма.

Сериялиги

– деталларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини номенклатура миқдорига нисбати, яъни С=А/Н.

Станок самарадорлиги – станокни асосий вазифаси - деталга ишлов беришда меҳнат маҳсулдорлигини ошириш ва шунга мос меҳнат ҳаражатларини камайтиришни ифодаловчи кўрсаткичи.

Суриш юритмаси

– ишлов бериладиган юзани шакллантириш учун асбобни заготовкага нисбатан ҳаракатлантирувчи юритма.

Техник ресурс

– фойдаланишга туширилганидан бошлаб ёки ўртача ва капитал таъмирлашдан сўнг чегаравий ҳолатигача ишлаш даври.

Технологик жиҳоз

– металл кесиш станоклари билан бир қаторда заготовкаларга электрохимик, электрофизик усуллар, фокусланган электрон ёки лазер нури, юзаларни пластик деформатсиялаб ва бошқа турдаги ўлчамли ишлов бериш учун фойдаланиладиган жиҳозлар.

Технологик ишончлилиги – станокнинг бошлангич аниқлик кўрсаткичлари ва ишлов беришнинг мос сифатларини вақт бўйича юқотмасдан сақлаш хусусияти.

Титрашларга бардошлилиги - аниқлик ва маҳсулдорлигини пасайтиришга олиб келувчи тебранишларнинг вужудга келишиги қаршилик кўрсата олиш хусусияти.

Универсал станок


– умумий вазифадаги майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришда кенг номенклатурадаги деталлар тайёрлаш учун мўлжалланган станок.

Универсаллик

– ҳар турдаги (номенклатурадаги) деталларга ишлов берса олиш хусусияти.

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР


1-мавзу бўйича тарқатма материаллар



Ўлчамларни автоматик олиш усулида заготовкаларга ишлов бериш

Ўлчамларни автоматик олиш усулида ишлов бериш аниқлигини таъминлаш станокчидан эмас, дастгоҳни созловчи, асбобсоз, мосламани ясовчи ва технологларга ўтади ва олинадиган аниқлик ишчининг савиясидан боғлиқ бўлмасдан, иш унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликни оширишни таъминлайди.


Детални ўрнатишда ҳосил бўладиган кучланишнинг ишлов бериш ноаниқлигига таъсири



Втулкани ўрнатишдан келиб чиқадиган хатолик схемаси:

а-втулка уч кулачокли патронга ўрнатилганидаги эластик деформацияланиши;
б-ишлов берилган тешик шакли; в-тешикнинг детал дастгоҳдан ечиб олинганидан кейинги шакли; А-кучнинг таъсир схемаси; В-деформацияланиши схемаси.


Технологик тизим бикрлиги




Үлчам занжирини тузши

Технологик ўлчам занжири

Технологик ўлчам занжири ишлов бериш ёки йиғиши операцияларини бажаришда, станокларни созлашда ёки операциялар оралиқ ўлчамларини ва припушкларини ҳисоблашда маҳсулот юзалари оралиғидаги масофани аниклады




Үлчам занжирлари турлари




Текислик ўлчамлари занжирини чизиқтап ўлчамлар занжирига келтириши.


Ишлов бериш технологиясининг деталлар юза қопламаси сифатига таъсири



Юза ғадир-будирлигининг қирқии тезлигига бөлеклиги




Юза ғадир-будирлигига узатиши катталигининг таъсири




Металларга қирқиб ишлов берилганида қолдик күчланишларнинг ҳосил бўлиши:


a)-пўлат стол 45; б)-пўлат 18 XHMA




Юза ейилишининг нотекислик баландлигига боғлиқлиги.



Мустаҳкамлик чегарасининг юза ғадир-будирлигига боғлиқлиги.




Ишлов берииш нотекисликлари 2Х13 пўлатдан тайёрланган текис деталларни эгишдаги чидамлилик чегарасига таъсири: 1-нотекисликлар детал узунлигига кўндаланг жойлашган; 2-нотекисликлар детал узунлиги бўйича жойлашган




Юза мустҳкамлигининг пўлат валиклар ейилишига таъсири

Технологик жараённинг унумдорлиги ва самарадорлиги




Деталга ишлов берииш меҳнат сарфи ва таннархининг аниқлигига боғлиқлиги




Ишлов берииш мәжнат сарфининг ишлов берииш аниқлигига боғлиқлиги


2-мавзуу бүйича тарқатма материаллар




«Модуль – ИР 320 ПМФ4» русумидаги призматик деталларга комплекс ишлов бериш учун замонавий қўп операцияли станови




LM70-AT русумидаги айланувчи жисм туридаги деталларга комплекс ишлов бериш учун күп операцияли токарлик станоги




Деталларга фрезалаб ишлов беришда ҳар хил асбоблардан фойдаланиш зоналари




«Корпус» туридаги деталга ишлов бериш схемаси.



Ишлов бериш мөхнат сарғы « T » ва таннархнинг « C » қирқиши тезлигига « v » боялуқлиги



Таннархни ташкил этувчи сарф ҳаражатларнинг жиҳоз тури ва ишилаб чиқариладиган маҳсулот ҳажсига боғлиқлиги: 1-ши ҳақи сарфи; 2-амортизагия сарфи; 3-дастгоҳни қўллаш сарфи; 4-материаллар сарфи.



Заготовкага турли дастгоҳларда ишилов берилганида тўплам ҳажсига қараб тайёрлаш таннархининг ўзгариши: 1-токар дастгоҳи; 2-револвер дастгоҳи; 3-бир шпинделли токар автомати; 4-тўрт шпинделли токар автомати; 5-олти шпинделли токар автомати.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси, -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Проектирование технологии автоматизированного машиностроения. Под ред. Соломенцова Ю.М. М.: Высшая школа, 1999.
5. Гжиров Р.И., Серебренецкий П.П., Программирование обработки на станках с ЧПУ, -М.: Машиностроение, 1990. 591 с.
6. Митрофанов В.Г. и др. Основы автоматизации машиностроительного производства. -М.: Высшая школа, 2001.
7. Соломенцев Ю.М. и др. Автоматизация технологических процессов и приборов. -М.: Высшая школа, 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Базров Б.М. Основы технологии машиностроения. -М.: Машиностроение, 2005. 736с.
2. Суслов А.Г. Дальский А.М. Научные основы технологии машиностроения. -М.: Машиностроение, 2002. 684 с.
3. Суслов А.Г. Технология машиностроения. -М.: Машиностроение, 2007. 424 с.
4. Технология машиностроения: В 2-х т. Производство машин: Уч. для ВУЗов / В.М. Бурцов и др. Под ред. Г.Н. Мельникова. -М.: Изд-во МГТУ, 1998.
5. Ямников А.М. и др. Основы технологии машиностроения. Тула: из-во ТулГУ, 2006. 269 с.